

Президентга муқаддас Каъба ёпинчиғи кисванинг бир парчаси топширилди



17:18 / 19.02.2025 1278

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳаж ва умра ишлари вазири Тавфиқ бин Фавзон ар-Рабаи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Вазир, учрашув вақтида Саудия Подшоҳининг кўп миллатли Ўзбекистон халқига ҳадяси – муқаддас Каъба ёпинчиғи кисванинг бир парчасини топширган.

Маълум [қилинишича](#), биргина ўтган йилнинг ўзида 800 мингдан зиёд фуқароларимиз Умра зиёратини, 15 минг нафари Ҳаж ибодатини адо этган.

Сухбат чоғида ўзбекистонлик зиёратчиларга шарт-шароитлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, уларнинг Саудия Арабистонига ташрифи хавфсиз ва қулай бўлишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Аввалроқ, Саудия Арабистони Ҳаж ва Умра вазири бу йил ўзбекистонликлар учун 15 мингта Ҳаж квотаси белгиланганини маълум қилган эди. Умра зиёратчилари сонига эса чеклов йўқ.